

Риёзус солихийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1444-ҳадис

1444 - وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُكْتَبِرُ أَنْ يَقُولَ فِي كُوعِهِ وَسُجُودِهِ: سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبَّنَا وَبِحَمْدِكَ، اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 817، م 484].

1444. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъ ва саждаларида «Субҳаанакаллоҳумма, Роббанаа ва биҳамдика, Аллоҳуммағфирли», деб айтардилар».

* Маъноси: «Аллоҳим, Роббимиз! Сени ҳамдинг ила поклаб ёд этаман! Аллоҳим, мени мағфират қил!».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Имом Муслимнинг ривоятида: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъ ва саждаларида Қуръонни татбиқ қилиб, «Субҳаанакаллоҳумма, Роббанаа ва биҳамдика, Аллоҳуммағфирли», дер эдилар», деб келтирилган».

Бу ерда Қуръонни татбиқ қилиш деганда «Фа саббих биҳамди Роббика вастағфирху» (Наср сурасидаги «Роббингни ҳамди ила поклаб ёд эт ва У Зотдан истиғфор сўра») оятдан келиб чиқиб, «Аллоҳим, Роббимиз! Сени ҳамдинг ила поклаб ёд этаман! Аллоҳим, мени мағфират қил!» дейиш назарда тутилмоқда.

Манба: hadis.islom.uz



